

6-синф

Мавзу: Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаси

Технологик харита

Мавзу:	Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаси
Мақсад вазифалар.	<p>Мақсад: Ўқувчиларга Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаси ҳақида билим бериш.</p> <p>Вазифалар:-Ўқувчиларда Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаси маданиятига қизиқиш уйғотиш, уларни тушунишга ўргатиш, мавзу асосида билим ва кўникмаларни шакллантириш ва кенгайтириш.</p> <p>-Мавзуга оид тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш уларнинг билимини баҳолаш.</p>
Ўқув жараёнинг мазмуни	<p>Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқа маданияти, дoston ижрочилиги ҳақида тушунча бериш, “Алпомиш” дostonидан намуналар эшиттириш. Куй парчасига дирижёрлик қилиб, ноталарини аниқ равон соф товушда куйлаш.</p>
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Услуб: “<i>Ақл чарҳи</i>” ўйини, “<i>Топқирлик</i>” машқлари, хикоя, суҳбат, савол-жавоб, “Кластер”,</p> <p>Шакл: Суҳбат-мунозара, гуруҳларда ва жамоада ишлаш.</p> <p>Восита: Тарқатма материаллар, ноталар ёки аудио СД диск ёзувлари, фортепиано чолғу асбоби, рағбатлантирувчи карточкалар.</p> <p>Усул: Тайёр ёзма материаллар.</p> <p>Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p>Баҳолаш: Рағбарлантириш. 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>
Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи: Мавзуни берилган вақт ичида барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Ўқувчилар фаоллигини ошириш. Ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотиш. Дарс жараёнида кўпроқ ўқувчини баҳолашга эришиш. Савол-жавобларга қатнашиб, мустақил фикрлашга ўргатиш.</p> <p>Ўқувчи: Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаси ҳақида билимлар эгаллайди, якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади, нутки ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотларга эга бўлади ва баҳолай олади.</p>
Келгуси режалар	<p>Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириб, дарсда қўллаш, ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш, педагогик маҳоратини ошириш, кўпроқ қўшимча маълумотлар бериб, ўқувчиларни маданий савиясини оширишга эришиш.</p> <p>Ўқувчи: Мустақил ишлашни ўрганади. Фикрини равон баён қила олади. Шу мавзуга асосланиб қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил</p>

	қилиб, мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилади. Муסיқий билим ва кўникмага эга бўлади.
--	---

Дарсинг таълимий мақсади: Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқа маданияти ҳақида маълумот бериш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: Ўқувчиларда ижодий маҳорат нафосат ва бадиий дидни ўстириш, фикр доирасини кенгайтириш, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялаш.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқаларини тинглаш орқали ўқувчиларнинг муסיқий қобилият ва иқтидорни ривожлантириш. Муסיқа асарларининг маънавий-эстетик мазмунини ҳис қилиш қобилиятларини ривожлантириш.

Дарсинг услуби: “*Ақл чарҳи*” ўйини, “*Топқирлик*” машқлари савол-жавоб, ҳикоя “Кластер”.

Дарсинг жиҳози ва ўқув услубий таъминоти: Фортепиано чолғи асбоби, режа, конспект, 6-синф дарслик, тарқатма материаллар, карточкалар, нота ёзувлари, аудио CD диск ёзувлари.

Дарсинг блок чизмаси:

1	Ташкилий қисм: а) саломлашиш б) давомат аниқлаш в) ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.	2
2	Ўтилган мавзунини такрорлаш мустаҳкамлаш: “Хоразм воҳасининг мумтоз муסיқаси” мавзуси “ <i>Ақл чарҳи</i> ” ўйини, “ <i>Топқирлик</i> ” машқлари ёрдамида такрорланиб, мустаҳкамланади.	7
3	Янги мавзу: Ўқувчиларга “Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз муסיқа”си ҳақида тушунча берилади.	10
4	Тинглаш: Нота ёзувларидан ёки аудио CD диск ёзувларидан фойдаланиб, араб ҳамда эрон муסיқа асаридан намуналар эшиттирилиб, суҳбат-мунозара ўтказилади.	8
5	Муסיқа саводи: Дарсликда берилган куй парчасини дирижёрлик қилиб, ноталарни аниқ ва рафон соф товушда куйлашга эришиш.	8
6	Жамоа бўлиб куйлаш: “Гўзал Тошкент” кўшиғи И.Жиянов шеъри, Х.Хасанова муסיқаси	7
7	Дарс якуни: Тест синовлари орқали мавзунини мустаҳкамлаш. Уйга вазифа: Мавзунини ўқиш, кўшиқни ёд олиш	3

Дарсинг бориши: “*Ақл чарҳи*” ўйини ўтказилади. Бунда ўтган дарсда ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларга биттадан оғзаки саволлар берилади. Ўқувчилар қисқа вақт ичида тез ва аниқ жавоб бериши орқали, уйга вазифани ва ўтилган мавзуларни мустаҳкамлайдилар.

Кўйида ўқувчилар учун бериладиган саволлардан намуналар келтирилган.

1. Хоразм мумтоз мусиқаси деганда нимани тушунаси? (мақом, мақом йўлларида яратилган куй ва ашула(“Сувора”, “Нақш”, “Фарёд”), дoston ижрочилиги)
2. Хоразм мақомларидан қайсиларини биласиз, улар қандай ном билан юритилади? (“Рост”, “Бузрук”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ”, “Панжгоҳ” (тўлик бўлмаган қисм))
3. Хоразм дostonлари қайси услубда ижро этилади? (“очиқ овозда” куйчан хусусиятлар билан)
4. Дoston ижрочилари қандай ном билан юритилади? (бахши, Болабахши)
5. Хоразм мумтоз мусиқа ижрочилигига хос чолғулар қайсилар?(тор, ғижжак, кўшна, танбур, дотор, сурнай, доира)
6. Хоразм мумтоз мусиқасининг устозларидан кимларни биласиз? (Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов)
7. Хоразм мумтоз мусиқаси қандай жанрларга бўлинади? (мақом, мақом йўлида яратилган куй ва ашулалар, дostonлар)
8. ”Болабахши” лар кимлар? ва хаказо. (дoston ижрочилари)

“Топқирлик ” машқи ўтказилади бунда ўқувчиларга олдинги дарсларда тинглаган мусиқий асарлардан намуналар эшиттирилади. Ўқувчилар тезлик билан қандай мусиқа эканлигини топишлари зарур. Фаол қатнашган ўқувчиларга рағбатлантирувчи карточкалар берилади.

Янги мавзу: “Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз мусиқаси” доскага ёзилиб уни ўрганиш режаси келтирилади.

Мавзу режаси: 1. Сурхондарё ва Қашқадарё мумтоз мусиқа жанри.

2. Сурхондарё ва Қашқадарё дostonлари.

3. Сурхондарё ва Қашқадарёнинг шоир ва бахшилари.

Мазкур мавзунини “Зинама-зина” технологиясидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш мумкин.

-Ўқувчилар 3 гуруҳга бўлиниб, 1-гуруҳ режанинг биринчи саволини; 2-гуруҳ режанинг 2-саволини; 3-гуруҳ режанинг 3-саволини очишга ҳаракат қиладилар.


-Ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар (режалар) билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини бериб вақт белгилайди.

-Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунини ёзма кўринишда ифода этадилар.




-Тарқатма материал тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилиб, тайёрланган материални доскага “Зина” (тагма-таг) шаклида ўрнатиб чиқади.

-Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, мавзунини мустаҳкамлайди.

Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаси ўзининг асрлар давомида шаклланган анъаналари, маҳаллий урф одатлари, дostonчилик санъати билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг мумтоз мусиқа жанри асосан дostonчилик билан боғлиқдир. Уларга меҳнат айтимлари мавсумий ва маросим кўшиқлари ва бахшилар санъати киради



Достон ижрочилигининг ўзига хос хусусияти уни куйланишида бўлиб, унда достон томоқда “бўғиқ” овозда куйланади. Бу воҳада энг кўп тарқалган достонлардан “Алпомиш”, “Соҳибқирон”, “Авазхон”, “Искандарнома”, “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” тарихий баҳодирлик ва ишқий достонлардир.



Мусиқа тинглаш фаолияти бўйича дарсликдаги “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан “Тамошосини” куйини фортепиано ижросида тинглаб, уни ритмини ҳамда ўлчовини аниқланади.(6/8)

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятини бажаришдан олдин ўқувчилар билан овоз созлаш машқлари ўтказилади. Бунда машқ кўшиқнинг мусиқий матнларидан олиниши ёки мусиқий иборалардан олинган бўлиши мумкин.



Qu-vo - na - di ko'z-la-rim !

мазкур куй парчасини ля, ми, да бўғинларидан фойдаланган ҳолда машқларни бажарилиши янги кўшиқни тез ўрганилишига ёрдам беради.

“Гўзал Тошкент” И.Жиянов шеъри Х.Ҳасанова мусиқаси кўшиғининг мазмуни билан таништириб, кўшиқ ҳақида қисқача суҳбат ўтказилади ҳамда кўшиқнинг 1-куплети ва нақороти ўргатилади.

Go'zal Toshkent

Voice

Xurshida Hasanova musiqasi
Ibrohim Jiyonov she'ri

Tez **11** **8** *mf*

Qu-vo - na - di ko'z-la-rim Sen-ga

14 boq-qan kez - la-rim ti - lim - da - gi so'z - la-rim o' - zing Har ko' -

17 chang bir cha-man-zor os-mo-ning ham be-g'u-bor Har lah - za-da maf-tun-kor o' zing

20 Poy-tax-tim me-ning teng-siz osh-yo-nim me-ning Dil-da - gi fax- rim_ sen-san

24 Kuy-lar-man se-ni go' - zal ma - ko-nim me-ning af - so -

27 *f*
na shah-rim sen-san Go' - zal_ Tosh-kent Nur - li Tosh

33 kent Yur - tim_ ich - ra sen - san_ Tosh - kent qu - yosh -

39 li shah - rim Tosh-kent qu - yosh -



Quvonadi ko`zlarim,
 Senga boqqan kezlarim,
 Tilimdagi so`zlarim o`zing.
 Har ko`chang bir chamanzor
 Osmoning ham beg`ubor,
 Har lahzada maftunkor o`zing.
 Poytaxtim mening,
 Tengsiz oshyonim mening,
 Dildagi faxrim sensan.
 Kuylarman seni,
 Go`zal makonim mening,
 Agsona shahrim, sensan.
 Naqorat
 Go`zal Toshkent,
 Nurli Toshkent,
 Yurtim ichra,
 Sensan Toshkent,
 Quyoshli shahrim Toshkent.

Seni sevar keng jahon,
 Ardoqlisan har zamon,
 Qo`shig`imiz armug`on senga.
 Ko`kni quchar binolar,
 Yog`du sochar samolar,
 Havas qilar dunyolar senga.
 Poytaxtim mening,
 Tengsiz oshyonim mening,
 Dildagi faxrim sensan.
 Kuylarman seni,
 Go`zal makonim mening,
 Agsona shahrim, sensan.
 Naqorat
 Go`zal Toshkent,
 Nurli Toshkent,
 Yurtim ichra,
 Sensan Toshkent,
 Quyoshli shahrim Toshkent.

Муסיқа саводи: Дарсликдаги куй парчасини дирижёрлик қилиб, ноталарини аниқ, равон ва соф товушда куйлашга эришиш.

Ўқитувчи ўқувчиларга куйидаги саволлар билан мурожаат қилади.

1. Куй парчасини ўлчови қандай экан? (2/4)
2. Куйда қандай чўзимдаги товушлар учради?(чорак, нимчорак, яримталиқ)
3. Куйда паузалар борми, бўлса улар қандай ва нечига саналади?(чоракталиқ пауза, 1 и га саналади)
4. Куй неча тактдан иборат? (8 такт)

Дарс якунида ўтилган мавзу мустаҳкамланиб, фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади.

“Муסיқа, санъат, меҳнат таълими, жисмоний камолот ва саломатлик” бўлими бош методисти.

Ғаниева Гулнора

Тел.(+99897) 227-45-05-47;